

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 221 (5512)
27 СЕНТЯБРЬ 1984 й.
ПАЙШАНБА
Газета 1866 йил
1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тиний.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

— монгу —
газеталарга

● КПСС Марказий Комитети 1984 йил 8 сентябрь кунин «Қурувчи шарафли тўғрисида сўз» сарлавҳаси остида эълон қилган «Қурувчи бригадирларнинг «Правда» газетасига ёзган хати тўғрисида» қарор қабул қилди.

Қарорда қайд этилганки, уйсозлик корхоналарининг бригадирлари Вологоддан Дитлов, Ростов-Дондан Ивико, Жамбулдан Қарибозов, Запорожьядан Майстренко ва Красноярскдан Налесник ўзлашқан барпо этилаётган уй-жой бинолари сифатини тўғридан яхшилаш, бу ишда қўрилиш барча қатнашчиларининг масъулиятини ошириш, халқ мулкига омиқкорлик билан муносабатда бўлиш зарурлиги ҳақидаги масалаларни тўғри кўтариб чиқишга (Қарорнинг тўла баёни тоғти газеталарда эълон қилинган).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида республикада пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йиғиштириб олиш ва тайёрлаш қандай бораётганини кўриб чиқди. Партия комитетларига, хўжалик, касоба союз, комсомол органларига пахта териш, доп, сабзавот, мева ҳамда деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотларини тайёрлаш сўрашларини жадаллаштириш учун қишлоқда чоралар кўриш таклифи қилинди. Марказий Комитет Бюроси чорва қишлоқини уюшқонлик билан ўтказишга тайёргарлик ишнин анча яхши йўлга қўйишни талаб этди. Тайёрланган маҳсулотнинг сифатини ошириш, унинг сақланишини таъминлаш, добулгарчиликка асло йўл қўймаслик зарур эканлигига алоҳида эътибор берилди. Пахтакорлар ва чорвадорларнинг социалистик муносабатини янада ривожлантириш, дала ва ферма меҳнатчиларининг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш, боталиқ ёрдамини кучайтириш тадбирлари белгиланди.

Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми қарорлари асосида қишлоқ хўжалиги раҳбар кадрларини танлаш, жой-йўнига қўйиш ва тарбиялаш соҳасидаги ишга доир масала муҳокама қилинди. Қабул қилинган қарорда область ва район партия комитетларига қишлоқ хўжалик кадрлари билан ишлаш усули ва методларини доим такомиллаштириш, уларни юксак гоийлик, принципиаллик, ўз фаолияти натижаларига танқидий муносабатда бўлиш, ишчилари руҳида тарбиялаш таъминланди. Кадрлар резерви билан ишлашни каттиги равишда яхши йўлга қўйиш таклифи этилди. Ҳар томонлама билимли, ишда сиқалган мутахассисларни, қобилиятли ташкилотчиларни хўжаликларга раҳбар қилиб юбориш керак. Мустақил иш қўришни кенг ривожлантириш, ташаббусни қўллаб-қувватлаш, тармоқдаги ишларнинг аҳоли учун қолхоз, совхозлар, район агрономат бирлашмалари раҳбарлари ва мутахассисларнинг шахсан жавобгарлигини ошириш, давлат ва план интизомини бузганидан ва хизмат мавқенини суистеъмол қилганидан ҳодимларга нисбатан қаттиқ чора кўриш зарур деб топилди. Марказий Комитет Бюроси область, шаҳар ва рай-

он партия комитетлари пленумларининг қатнашчилари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг қарорларини муҳокама қилиш вақтида республика органлари шаънига айтиган танқидий мулоҳазалари ва таклифларини кўриб чиқди. Партия комитетларига, министрликлар ва идораларга, бирлашмаларга, план органларига, жамоат ташкилотларига айтилган мулоҳаза ва таклифларнинг ҳақмасини амалга ошириш учун зарур чоралар кўриш таклифи этилди. Бу мулоҳаза ва таклифларни бажариш устидан назорат ўрнатилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1984—1990 йилларда республика телевидениесининг моддий-техника базасини, ривожлантириш тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Ҳақинчи беш йилликнинг охирига бориб Ўзбекистон телевидениенинг 97 процентини аҳолининг эшитиши билан таъминлаш кўзда тутилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарлик, ташкилий-партиявий ва сиёсий-тарбиявий ишга доир бошқа баъзи масалаларни ҳам муҳокама қилди.

Андижон область партия комитетининг КПСС Марказий Комитети 1982 йил май

ПАХТАКОРЛАР САФИДАН ЎРИНОЛАМИЗ



СУРАТДА: Тошкент Давлат педагогика институтининг «Биз ҳаммамиз — пахтакоримиз» ташаббусини қўллаб-қувватлаган бир гуруҳи студентлари.

«Бизнинг мажбуриятимиз — олти минг тонна»

Тошкент Давлат педагогика институтининг студентлари ана шундай дейишмоқда

Бутун кунда республикамиздаги ҳар бир киши пахта ташвиши билан янамоқда. Дала меҳнатчиларининг қаҳрамонона меҳнати билан етиштирилган «оқ олтин» ҳосилини йиғиштириб олишга кўмаклашиш Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг коллективининг ҳам азму-қарорига айланди. Партия ва комсомол йиғилишларида студентлар, ўқитувчилар, институт ходимлари 84-йилги пахта мавсумида иштирок этишга тайёр эканликларини изҳор қилмоқдалар.

Коллективимиз шонли меҳнат анъаналарига эга. Институтни битириб чиққан мутахассислар ҳозир республиканинг барча бурчакларида ёш авлодни ривожланган социализм мамлакатига ҳаётини таъминлашга тайёрламоқдалар. Студент-қурилиш отрядлари ҳар йили 6 ойларда ўн биринчи беш йилликнинг зарбдор объектларида ишлаб, юз миллионлаб сўмлик капитал маблағларини ўзлаштиришмоқда. Қуз мавсумида эса институт ёшлари ва ветеранлари пахтакорлар сафида бўлиб, бир неча бор Тошкент олий укув юртини ўртасидаги социалистик муносабатда роҳлиб қилинган. Жиззах ва Сирдарё области пахтакорлари билан бизни яқин дўстлик алоқалари боғлаб туради. Ўтган йили студент ва ўқитувчиларимиз «Ўзбекистон», «Совет Россияси» ва «Тошкент» совхозларида 9 минг тоннага яқин «оқ олтин» териб беришди. А. Гонинова, А. Давронова, У. Лафасов, З. Ли, Қўзиева сингари студентлар пахта далала-

ридаги жасорати учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан таъдирлангани. Институтимиз — лонени, қўнқ ўзлаштирувчиларининг ҳақиний дўсти М. Усмоновга эса «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор» фахрий унвони берилган. Юбилей йилида ҳам институт коллективини жасорат намуналарини кўрсатишга қарор қилди. В. И. Лени номидаги Тошкент Давлат университети коллективининг тақририга қўшилган студентлар ва ўқитувчиларимиз «оқ олтин» йиғишнинг мавсумига ўз ҳиссаларини қўшишга шайдорлар. Факультетларда қишлоқ хўжалик отрядлари туюб бўлиди. Уларнинг вақиллари эса Сирдарё областининг Оқ олтин ва Илчи районлари хўжаликларидега студентлар жойлашадиган дала шийонларини ҳозирлашмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари асосида институтда пахта мавсумига тайёргарлик юзасида идеологик тадбирлар комплекс амалга оширилди.

Қишлоқ хўжалик отрядлари таркибига институтда ўқиган Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари Елена Стемшкская ва Зиямат Хусановларнинг номлари ҳам киритилган. Совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги Буюк Ғалабаси 40 йиллиги шарафига пахта мавсумида бир кунини Тинчлик фонди ҳисобига ишлаб беришга қарор қилинди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко таъкидлаганидек, бу йилги кунда — планетада тинчликни таъминлашда ҳам муҳимроқ вазифа йў. Бизнинг пахтазорлардаги меҳнатимиз эса социалистик Ватанимизнинг иқтисодий ва маданий қудратини мустаҳкамлашга қўшилган хиссамиз бўлади.

Ректорат ва партия комитети жамоат ташкилотлари билан биргаликда институт коллектив пахта далаларида зарбдор меҳнат қилиш учун барча зарур шарт-шароитларни яратишга жиддий аҳамият бермоқда. Пахта далаларида зарбдор меҳнатдан институт аудиториялари ва лабораторияларига қайтиб, студентларимиз КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленуми қарорлари, умумтаълим ва ҳунар мактабининг ислоҳ қилиниши Асосий йўналишларини ҳаётга тадбиқ этишга, илм олиш савиясини оширишга бутун диққат-эътиборларини қаратадилар.

Институт коллективини Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини Низомий номи педагогика институтини студентлари йиғиштирган олти минг тонна пахта билан кутиб олишга қарор қилдилар. Бу мажбурият шараф билан бажарилад.

ФАН ЮТУҚЛАРИ — ЎРМОН ХЎЖАЛИГИГА

26 сентябрь кунин Тош-хўазуридаги иҳота ўрмонзор кенга ВАСХНИЛ Ўрта ва ўрмон хўжалиги муво-Осие бўлими Президиуми фиқлаштирувчи кенгашининг

мажлиси бўлди. Мажлис иштирокчилари — Ўрта нинг, Тожикистон ва Қирғизистон давлат ўрмон хўжаликларининг вақиллари фан олимлари, Ўзбекистон ва ютуқларини ўрмончилар практикансига жорий этиш

министрликлари, мажлисида қишлоқ хўжалик масалаларини муҳокама қилдилар, тармоқда фан-техника тараққиётини жадаллаштириш тадбирларини кўриб чиқдилар. («ЎЗТА»).

Юбилей меҳнат вахтаси Пландан ташқари

жарди. Йил бошидан бери қишлоқ меҳнатчиларига 2270 кўрак чўчин машинаси, 5776 сеялка, тупроққа гербицид соладиган 5316 мослама жуна-План ва социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилишига темирчилик, пресслаш, қуюв, 4,5 ва 10-механика-йиғув цехларининг коллективлари муносиб ҳисса

қўшилди. Меҳнат Қизил Байроқ орденининг кавалери М. Попова ва Ф. Набоева бошқиб бригадалар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга тараққу қилишмоқда. А. Тоқибоев, А. Қўрбонов ва А. Мирзаяев бошқиб қилинган бригадалари

топшириқларини мунга таъминлашга адо этишди. Бирлашма коллектив мавжуд ички резервлардан самарали фойдаланиш ҳисобига ой охиригача дала меҳнатчиларини учун пландан ташқари 1270 сўмлик қишлоқ хўжалик машиналари, эҳтиёт қисмлар ва халқ истеъмол товарларини ишлаб чиқаради.

ПАРТИЯНИНГ ИЛҲОМБАХШ СЎЗИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненконинг СССР Ўзбекистон сўзларини кўриб чиқди.

Республикамиз адабиёт ва санъат намоёндалари ўртоқ К. У. Черненко нутқини ўзларининг ижодий фаолиятларида асосий дастурийлашма сифатида баҳоламоқдалар. Улар юбилей пленумидаги бу нутқининг барча маънавий намоёндалари учун улкан саваблар эътиборига эга эканлигини таъкидламоқдалар.

Хида таъкидлаб ўтилган. Театр ҳодимларининг буғунги кундаги вазифаси ҳам ҳар бир кишининг оғни ва қалбига таъсир этиш, уларда коммунистик дунёқараши шакллантиришга ҳисса қўшишдан иборатдир. Бу эса санъаткорнинг ижодий изланишлари билан рубога чиқади. Ўртоқ К. У. Черненко таъкидлаб ўтганидек «Санъаткорнинг ижодий изланишлари, таъбир жоиз бўлса, ягона бошланги нуқтага эга бўлиши — ҳаёт ҳақиқати, социалистик идеалларга содиқ бўлиши муҳимдир».

Михаил ШЕВЕРДИН, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси.

Сора ЭШОНТЎРАЕВА, СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистон Театр жамаияти раҳбарининг президиумининг раиси.

Шу билан бирга Константин Устинович Черненконинг нутқида адабиёт ва санъаткорнинг маънавий қиёфаси ва туғилган калом топширидаги роли ало-

СИЭТЛЛИК МЕҲМОНЛАР ТОШКЕНТДА



Ўзбекистон пойтахтида Тошкент билан биродарлашган Америкадаги

Сиятл шаҳрининг жамоатчилиги вакиллари делегацияси меҳмон бўлиб турибди. Меҳмонлар Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетига қабул қилинди. Шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси В. О. Қозимов уларга Тошкент шаҳрининг хўжалиги ва истиқболи ҳақида гапириб берди. Меҳмонлар шаҳар бўйлаб экскурсия қилдилар, Шредер номидаги илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлдилар, чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа боғлаш Ўзбекистон жамаиятида активистлар билан учрашдилар, Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейи, Тошкент Давлат университети, 323-болалар боғчаси, 110-мактабда бўлдилар. Делегацияга Сиятл шаҳри мэри Чарльз РОЙЕР бошчилик қилмоқда. Мухбиримиз пойтахтимизнинг ҳурматли меҳмонидан бир неча саволларга жавоб беришни сўради.

аро тушунчани мустаҳкамлаш, ер кўрасида тинчлик учун курашишдан иборат. Биродарлашган шаҳарларнинг асосий вазифаларидан бири худди ана шунда. Бизнинг ҳаммамиз қуроллиш лойиҳасига қарш чўқиймиз. — биз бу сўзларини тарғиб этар эканмиз, уни чин қалбдан, халқларимиз номидан изҳор этишимиз. Сиятлда тараққийпарвар жамоат ар-

болари «Тарғиб Сиятл» комитетини ташкил этишган. У ядро урушининг олдин олиш учун курашмоқда. Биродарлашган шаҳарлар дўстлигини мустаҳкамлашда турли касб эгаларидан иборат делегацияларни айриб-бўлаш қатъий аҳамият касб этди. Касб қишлоқчилари доирасида сўхбатлар қўриш тажриба алмашиш имконини беради. Совет Ўзбекистонини тимсолда

ЖАҲОН ШАХМАТ ТОҶИ УЧУН ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда: СССР туризм Давлат комитетининг Тошкент бўлими маданий марказида Жаҳон туризми кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда аъло меҳнат учун Совет Ўзбекистонига беула сафар қилиш шарафига муяссар бўлган ГДР тўқимачилик санюктининг 200 ишлаб чиқариш илгори қатнашди.

Абдулла Авлоний номли маҳаллада «Партия — давримизнинг ақл-идроки, шон-шарафи ва виждонидир» деган мавзуда партия, Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранлари билан учрашув бўлди. Тўпланганларга партия ветерани Н. Рихиев, меҳнат ветерани И. Юсуфов, У. Олимбеков, С. Йўлдошев, Т. Юнусов, Р. Мақсумовлар совет халқининг жанг пайтида қўрсатган бейёси қаҳрамонликлари ҳақида сўзлаб берадилар.

ВОЛГОГРАД. Бугун бу ерда аёллар ўртасида шахмат бўйича жаҳон биринчилиги учун М. Чирдиниде — И. Левитина матчининг еттинчи партияси ўйнади. Оқ донлар билан И. Левитина ўйнади. Ҳозир матчада ҳисоб 3:3.



СУРАТЛАРДА: Сиятл шаҳри мэри Чарльз Ройер; биродарлашган шаҳар делегацияси аъзолари.

Т. Каримов фотолари.

